"ТАСДИҚЛАНГАН"

"O'ZSANOATEKSPORT"
Aksiyadorlik jamiyati

Кузатув кенгаши раиси

_______ Ф.Ф. Каимбаев

2021 йил "27" 12

2021/15 сонли баённома

"РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН"

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазири ўринбосари

_______ О.Р.Исаков

2022 йил "17" январ № 00822-4

М.Ў.

"ТАСДИҚЛАНГАН"
"TSIAR-EKSPERT" Масъулияти чекланган жамияти
Директор

_______ Ж.Ж. Насритдинов
«___» _______ 2021 й.

## АКЦИЯЛАР ҚЎШИМЧА ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР
## "O'ZSANOATEKSPORT" Aksiyadorlik jamiyati

**Идентификация рақами берилди:**

| | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Оддий эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз акция** | R | 4 | 1 | 0 | 4 | 9 | 0 | 8 | 2 | 2 | 7 | 3 |

Ҳар бирининг номинал қиймати 1 сўм бўлган 31 515 941 861 (ўттиз бир миллиард беш юз ўн беш миллион тўққиз юз қирқ бир минг саккиз юз олтмиш бир) дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз оддий акциялар.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши тўртинчи чиқарилишдир.

**Тасдиқланган:** "O'zsanoateksport" Aksiyadorlik jamiyati Кузатув кенгашининг 2021 йил 24 декабрдаги (2021 йил 27 декабрдаги 2021/15 сонли баённома) қарори билан, "O'zsanoateksport" AJ, "Markazsanoateksport" AJ ва "Uzprommashimpeks" AJ акциядорларининг 2021 йил 26 октябрдаги (04.11.2021 йилдаги 1-сонли баённома) қўшма умумий йиғилишининг қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарори асосида.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, электрон почта манзили ва мулоқот телефонлари:

100170, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй, телефон: (+99871) 209-48-48, электрон почта: info@use.uz

**Бошқарув раиси** **О.А. Мирзабеков**

**Бош бухгалтер** **Э.Д. Юлдашов**

Мухр 2021 йил "27" 12

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): ***оддий эгасининг номи ёзилган акциялар;***

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: *ҳужжатсиз;*

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): 1 *(бир) сўм;*

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): ***31 515 941 861 (ўттиз бир миллиард беш юз ўн беш миллион тўққиз юз қирқ бир минг саккиз юз олтмиш бир) дона;***

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): ***31 515 941 861 (ўттиз бир миллиард беш юз ўн беш миллион тўққиз юз қирқ бир минг саккиз юз олтмиш бир) сўм;***

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

***- Жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;***

***- депо ҳисобварагидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;***

***- Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;***

***- Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;***

***- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;***

***- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;***

***- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;***

***- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;***

***- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;***

***- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;***

***- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.***

***Шунингдек, акциядорлар қонун ҳужжатларига ва Жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.***

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

***Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставида чеклашлар мавжуд эмас.***

“O'zsanoateksport” AJ, “Markazsanoateksport” AJ ва “Uzprommashimpeks” AJ акциядорларининг 2021 йил 26 октябрдаги (баённома) қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги қўшма умумий йиғилиши қарорига асосан ***ушбу акциялар ёпик обуна усулида*** “O'zsanoateksport” AJ га қўшиладиган “Markazsanoateksport” AJ ва “Uzprommashimpeks” AJ ***акциядорларига жойлаштирилади.***

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): ***43 824 360 668 (қирқ уч миллиард саккиз юз йигирма тўрт миллион уч юз олтмиш минг олти юз олтмиш саккиз) сўм.***

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): ***Илгари жойлаштирилган акциялар сони 43 824 360 668 (қирқ уч миллиард саккиз юз йигирма тўрт миллион уч юз олтмиш минг олти юз олтмиш саккиз) донани ташкил қилади.***

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): ***Жамият томонидан корпоратив облигациялар чиқарилмаган ва жойлаштирилмаган.***

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):

*(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади).*

***Ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна усулида*** “O'zsanoateksport” AJ га қўшиладиган “Markazsanoateksport” AJ ва “Uzprommashimpeks” AJ ***акциядорларига қуйидаги тартибда жойлаштирилади:***

“Markazsanoateksport” AJ акциядорларига:

| Акциядор номи | Акциялар сони, дона | Миқдори, сўм |
|---|---|---|
| “Farg'onaazot” aksiyadorlik jamiyati | 1 150 160 000 | 1 150 160 000 |
| “O'zinterimpeks” Tashqi savdo kompaniyasi aksiyadorlik jamiyati | 1 150 160 000 | 1 150 160 000 |
| “O'zmarkazimpeks” aksiyadorlik jamiyati | 1 150 160 000 | 1 150 160 000 |
| “Q'zbekinvest Sarmoyalari” mas'uliyati cheklangan jamiyati | 888 760 000 | 888 760 000 |
| O'zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi | 1 150 160 000 | 1 150 160 000 |
| Жисмоний шахслар | 6 561 924 200 | 6 561 924 200 |
| **жами:** | **12 051 324 200** | **12 051 324 200** |

*) “Markazsanoateksport” AJ нинг акциядорлари - жисмоний шахслар рўйхати 1- иловада.

“Uzprommashimpeks” AJ акциядорларига:

| Акциядор номи | Акциялар сони, дона | Миқдори, сўм |
|---|---|---|
| “BENIF LTD” Mas’uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi qo’shma korxonasi | 2 116 558 080 | 2 116 558 080 |
| “O'zinterimpeks”Tashqi savdo kompaniyasi aksiyadorlik jamiyati | 2 116 558 080 | 2 116 558 080 |
| “O'zmarkazimpeks” aksiyadorlik jamiyati | 2 116 558 080 | 2 116 558 080 |
| Unitar korhonasi “O'zbekinvest Sarmoyalari” | 1 058 279 040 | 1 058 279 040 |
| O'zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi | 2 116 558 080 | 2 116 558 080 |
| Жисмоний шахслар | 9 940 106 301 | 9 940 106 301 |
| **жами:** | **19 464 617 661** | **19 464 617 661** |

*) “Uzprommashimpeks” AJ нинг акциядорлари - жисмоний шахслар рўйхати 2- иловада.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

*(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби.*

*Агар акцияларни жойлаштириш муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади).*

***Акциялар жойлаштирилишининг умумий муддати*** *– 15 кун.*

*Ушбу чиқарилишдаги акциялар, акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 15 (ўн беш) кундан кечиктирмасдан амалга оширилади.*

***Жойлаштиришни бошлаш санаси:*** *Акцияларнинг ушбу чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган сана.*

***Жойлаштиришни тугатиш санаси:*** *Ушбу чиқарилишнинг охирги акциясини жойлаштириш санаси, лекин акцияларнинг қўшимча чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан 15 (ўн беш) кундан кечиктирмасдан.*

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

*(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорлар.*

*Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштириш эмитентга акцияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:*

*тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;*

*профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;*

*ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охиргиси томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби.*

***Ушбу қўшимча чиқарилишдаги акциялар қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари уюшмаган бозорда "Markazsanoateksport" АЖ нинг оддий акцияларини "O'zsanoateksport" АЖ нинг оддий акцияларига 2 614,0 коэффициент билан ҳамда "Uzprommashimpeks" АЖ нинг оддий акцияларини "O'zsanoateksport" АЖ нинг оддий акцияларига 2 099,76 коэффициент билан конвертация қилиш йўли билан жойлаштирилади. Бунда ҳеч қандай фуқаровий-ҳуқуқий шартномалар тузилмайди "Markazsanoateksport" АЖ нинг оддий акциялари 2021 йил 20 октябр ҳолатига жамият акциядорлари реестрига киритилган акциядорларга конвертация қилинади. "Uzprommashimpeks" АЖ нинг оддий акциялари 2021 йил 20 октябр ҳолатига "Uzprommashimpeks" АЖ акциядорлари реестрига киритилган акциядорларга конвертация қилинади.***

***Акциядорларда каср қолдиғи 1 сўмдан кам ҳолатлар вужудга келган ҳолларда, қолдиқ "O'zsanoateksport" АЖ ихтиёрида қолдирилади ва бухгалтерия ҳисоботида Жамиятнинг акциядорлар олдидаги қарзи сифатида акс эттирилади ҳамда кейинчалик уларга дивиденд тўловларига қўшиб тўлаб берилади.***

***Қўшимча акцияларни жойлаштиришда андеррайтерлар жалб қилинмайди.***

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

***Жамият акцияларига бўлган ҳуқуқларни ҳисобини юритиш "Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси" давлат унитар корхонаси томонидан амалга оширилади.***

***"Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси" давлат унитар корхонаси ҳақида маълумот:***

***Тўлиқ номи: "Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси" давлат корхонаси;***

***Ташкилий ҳуқуқий шакли: Давлат унитар корхонаси;***

***Жойлашган жойи - 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси 107-уй;***

***Почта манзили - 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси 107-уй,***

***Телефон: (71 267-36-34, Факс: (71) 267-35-92. e-mail: info@deponet.uz, вэб манзили: www.deponet.uz.***

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

*(Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:*

*бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);*

*жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;*

*жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби).*

***Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш назарда тутилмаган.***

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

*(акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.*

*Агар акцияларни жойлаштиришда акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.).*

***Акциялар 1 (бир) сўм баҳосида жойлаштирилади.***

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

*(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда).*

*Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:*

*баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;*

*баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган.).*

***Акциялар учун тўловлар “O'zsanoateksport” AJ, “Markazsanoateksport” AJ ва “Uzprommashimpeks” AJ акциядорларининг қўшма умумий йиғилишида тасдиқланган Топшириш далолатномалари асосида “O'zsanoateksport” AJ га “Markazsanoateksport” AJ ва “Uzprommashimpeks” AJ ларининг барча активларини бериш ҳисобидан амалга оширилади.***

*“Markazsanoateksport” AJ нинг оддий акциялари “O'zsanoateksport” AJ нинг оддий акцияларига конвертация қилинганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2016 йил 27 апрелдаги 125-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.12.2015й. даги 2463-сонли “Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги тузилмасини мақбуллаштириш ва фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақидаги қарорига асосан, “Markazsanoateksport” AJ “O'zsanoateksport” AJ га қўшилиши муносабати билан “Markazsanoateksport” AJ нинг акциялари баҳоланган (бозор) қийматида, яъни 2614,0 сўм қийматида берилади. Бунда “Markazsanoateksport” AJ нинг барча активлари қайта ташкил этилиш натижасида, тасдиқланган Топшириш Далолатномасига асосан “O'zsanoateksport” AJ га берилади.*

*“Uzprommashimpeks” AJ нинг оддий акциялари “O'zsanoateksport” AJ нинг оддий акцияларига конвертация қилинганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2016 йил 27 апрелдаги 125-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.12.2015й. даги 2463-сонли “Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги тузилмасини мақбуллаштириш ва фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақидаги қарорига асосан, “Uzprommashimpeks” AJ “O'zsanoateksport” AJ га қўшилиши муносабати билан “Uzprommashimpeks” AJ нинг акциялари баҳоланган (бозор) қийматида, яъни 2099,76 сўм*

*қийматида берилади. Бунда “Uzprommashimpeks” AJ нинг барча активлари қайта ташкил этилиш натижасида, тасдиқланган Топшириш Далолатномасига асосан “O'zsanoateksport” AJ га берилади.*

**Баҳоловчи ташкилот тўғрисида маълумотлар:**

Баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари: *«TSIAR-EKSPERT» Масъулияти чекланган жамияти, «TSIAR-EKSPERT» МЧЖ;*

Баҳоловчининг жойлашган манзили: *100077, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек тумани, Чуст кўчаси, 2А уй.*

Баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган: *№BL-002 RR-0025, 13.02.2018й. да Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси томонидан берилган.*

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

***Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, тегишли маълумотлар оммавий-ахборот воситаларида эълон қилинади. Қўшимча акциялар учун ўтказилган тўлов воситалари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият томонидан тегишли бухгалтерлик ёзувлари орқали қайтарилади*** *(Топшириш Далолатномаларига асосан).*

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

***Ушбу акциялар чиқарилиши билан боғлиқ муҳим фактлар тўғрисидаги маълумот (ахборот) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда қуйидагича ошкор қилинади:***

***- Корпоратив ахборот ягона порталида http://openinfo.uz;***

***- Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида www.use.uz;***

***Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор асл нусхалари билан барча манфаатдор шахслар Жамият жойлашган манзили бўйича: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй, индекс 100170, телефон (+99871) 209-48-48 иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача танишиши мумкин.***

***Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор нусхаларини манфаатдор шахслар Жамиятга ёзма мурожаат қилиб олишлари мумкин.***

13. Бошқа маълумотлар.

**Эмитентни давлат рўйхатидан ўтказиш санаси ва рақами:** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 14.01.2016й., №188.

**Эмитентнинг тўлик номи:** “O'zsanoateksport” Aksiyadorlik jamiyati;

**Эмитентнинг қисқартирилган номи** “O'zsanoateksport” AJ;

**Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР):** 303724021;

**Статистика органларида рўйхатдан ўтилиши:**

**Юридик шахснинг коди ( ОКПО)** 25964532;

**Умумдавлат классификатори бўйича иқтисодий фаолият тури (ОКЭД)** 46211???;

**Мулкчилик шакли:** 144;

**Давлат рўйхатидан ўтган кундаги почта манзили (МҲБТ): 1726273.**

**Ташкилий ҳуқуқий шакли (ТҲШТ): 153.**